



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№ 17-18 (970-971)
2026 йил 17 март, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

ЯНГИ ТОШКЕНТ

мамлакатнинг инновацион
салоҳияти ва келажакка
ишончининг ёрқин тимсоли



4-5 →

Ҳашар – элга ярашар!

Бу йилги баҳор нафақат байрамларга, балки эзгу амаллар ва гўзал анъаналарга ҳам бой бўлмоқда. Яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити ва Наврўзи олам муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудлари янада кўркам қиёфага кириб, одамлар қалби яшариш, яшнатиш ва обод этиш каби эзгу ниятларга тўлмоқда.

Райҳона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига асосан жорий йилнинг 13-14 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ушбу эзгу ташаббусда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Хусусан, Бўстонлиқ туманида жойлашган вазирлик боғида кўчат экиш акцияси ташкил этилди. Унда вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан ҳудудни янада ободонлаштириш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Акция доирасида ҳудудга 400 дан ортиқ яшил ва қайрағоч дарахт кўчатлари экилди.

Мазкур ташаббус атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳамда келажак авлод учун янада соғлом экологик муҳит яратишга хизмат қилади.

Яратувчанлик ишлари Янги Тошкент ҳудудида ҳам қизғин давом этди.



Янги Тошкент "яшил шаҳар" концепцияси асосида барпо этилмоқда ва умумий ҳудуднинг 30-35 фоизи дарахтзор ҳамда парклардан иборат бўлиши кўзда тутилган. Мега лойиҳа доирасида Чирчиқ дарёсининг "Янги Ўзбекистон" кўчаси кесилган жойдан бошлаб 20 километр узани ободонлаштирилади. Биринчи босқичда 100 гектар майдонда тупроқ ишлари бажарилмоқда. Дастлаб 10 гектар майдон манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш ва майса экишга тайёрланди.

Ҳашар доирасида мазкур ҳудудда кенг қўламли ниҳол экиш ишлари амалга оширилди. Дарё бўйида дарахтзорлар билан бир қаторда пиёдалар ва вилосипед йўлига ҳам барпо этилмоқда. Пойтахтимиз ва Янги Тошкентнинг ўртасида жойлашган ушбу манзил келгусида шаҳарнинг "Упка"сига айланиши ҳамда аҳоли учун сўлим дам олиш маскани бўлиши кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда бошланган ушбу ободлик тўғриси кўнгилларга ҳам кўчиб, юртдошларимизга кўтаринки кайфият бағишламоқда.



▲ Ниҳол экиш ишлари



▼ Ҳашардан лавҳа.
Носиржон ХАЙДАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Пойтахтимизда "Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!" шиори остида умумхалқ ҳашари уюшқоқликда ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ, Наврўз байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш, Рамазон ойини муносиб ўтказиш, маҳаллалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида 13-14 март кунлари юртимиз бўйлаб умумхалқ ҳашари ўтказилди.

Тошкент шаҳрининг барча туманларида маҳалла аҳли, ёшлар, нуронийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Кўча ва хиёбонлар, кўп қаватли уйлар атрофи, исти-

роҳат боғлари ва ижтимоий объектлар ҳудудларини тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш, атроф-муҳитни тозалаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, ҳашар доирасида кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларда манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилиб, яшил майдонлар барпо этилди.

Бундай хайрли тадбирлар шаҳар кўркини янада ошириш, аҳоли ўртасида ҳамжихатлик ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз бўйлаб "Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!" шиори остида ўтказилаётган умумхалқ хайрия ҳашари Сурхондарё вилоятида уюшқоқлик билан бошланди.

Ҳашарни юқори савияда ташкил этиш учун ҳар бир маҳаллада амалга ошириладиган ишлар "кўчабай" ва "хонадонбай" кесимида белгилаб олинди. Шунга мувофиқ икки кун давомида икки минг гектардан ортиқ ҳудуд ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди. 1 минг 430 тоннага яқин чиқинди олиб чиқилди. 2 минг 500 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. 1 миллион 715 минг 470 дан ортиқ дарахт оқлаиб, шакл берилди. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 411 минг 700 дан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчати экилади. 730 дан ортиқ қабристон, 74 та муқаддас зиёратгоҳ ободонлаштирилиб, ўтганлар руҳи шод этилди.

– Ҳашарчилар фақат теварак-атрофни тартибга келтириб, ободонлаштириш билан шугулланиб қолмай, балки эҳтиёжманд оилаларнинг Наврўзи оламини муносиб кутиб олишига қўмақлашди, – деди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Сайдулла Абдураимов Холмўмин Маматрайимовга. – Ҳашар

кунлари кам таъминланган оилаларнинг 49 минг квадрат-метрдан ортиқ уй-жойи таъмирлаб берилди. 3 минг 300 га яқин оиланинг томорқасига турли озиқ-овқат экинлари экилади. 2 минг 900 та эҳтиёжманд оила, жумладан, 1 минг 193 нафар ногирон ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди, моддий ёрдам кўрсатилди. Термиз шаҳрида ҳам эрта тонгдан умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда бошланди. Олинган маълумотларга кўра, вилоят марказидаги 37 та маҳалла ҳудудида 30 мингдан ортиқ киши меҳнат қилди. Уларнинг 15 мингдан зиёди ёшлардир. Айни пайтда шаҳарда кўча-куйларни тартибга келтириб, тозалаш, дов-дарахтларни оқлаб, шакл бериш, кўчат экиш, қабристон ва муқаддас кадамжоларни ободонлаштириш каби юмушлар амалга оширилди.

Воҳаниннг мафтунок Бойсун тумани маҳаллалари ҳам эрталабдан ҳашарчилар билан гавжум бўлди. Умумхалқ хайрия ҳашарининг дастлабки кунини 31 мингдан зиёд ёш кекса кўнгилли ўз маҳалласи ҳудудини ободонлаштириб, тартибга келтириш учун тадбирда қатнашди.

Маълум қилишларича, воҳада қарийб 586 минг ҳашарчи жойларда йирик ҳажмдаги ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларини бажарди. Уларнинг 312 мингдан ортиғи ёшлардир.

Вилоятда ҳашар кунлари ўн та маҳалла фуқаролар йиғини, битта мактаб, битта нодавлат мактабга таълим ташкилоти биноси ва битта спорт майдончасини фойдаланишга топширилди.



▲ Ҳашар жараёнидан фотолавҳа

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини унутмайлик!

Бехзодбек МАҲМУДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.



Ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги bosqichga олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда таъкидланганидек, юртимиз нуфуси 38 миллиондан ошди, сўнгги тўққиз йилда аҳоли даромади икки қарра кўпайди. Халқимиз оғирини енгли қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш бўйича вазир ва ҳокимлар маҳалла даражасида ишлайдиган тизим яратилди. Жорий йилда ҳам маҳаллаларда инфратузилма ва аҳоли турмушини яхшилашга 56 триллион сўм ажратилмоқда.

га нисбатан 6 фоизга ошган. Шунингдек, бошқа масалалар бўйича 603 та мурожаат қайд этилиб, ўтган йилга нисбатан 42 фоизга ошган.

Бевосита уларнинг натижаларига тўхталадиган бўлсак, ушбу мурожаатларнинг 2 832 таси ижобий ҳал этилган, 243 тасига тушунтириш берилган, 201 таси мувофиқлиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилган бўлса, 10 таси кўрмасдан қолдирилган. 36 тасини кўриб чиқиш тугатилган ҳамда 703 таси айтилганда ижро жараёнида. Келиб тушган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, архитектура ва шаҳарсозлик йўналишида ушбу йилда 139 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 78 фоизга ошганини кўриш мумкин. Ер масаласида 93 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 79 фоизга камайган. Ноқонуний равишда қурилган қурилишлар масаласида 300 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 2025 йилга нисбатан 1 фоизга камайган. Шу билан бирга, қурилишда сифат, уй-жой, бино ва иншоотларни бузиш масалаларидаги мурожаатлар ҳам ўтган йилга нисбатан камайган, аксинча, қурилишдаги норматив ҳужжатлар, лицензия масаласидаги мурожаатлар ошган. Худди шундай, бошқа масалалардаги мурожаатларда ҳам ўсиш ёки камайиш ҳолатларини кўриш мумкин.

Худудлар кесимида таҳлил этилганда, Тошкент шаҳри юқори ўринни эгалламоқда. Яъни 1702 та мурожаат келиб тушган.

Жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни кўриб чиқишда куйидаги бошқарма ва тизим ташкилотлари томонидан мурожаатлар ижросига лоқайдлик билан қараганлиги оқибатида 18 та мурожаатнинг 30 кунлик ижро муддати бузилган. Жумладан, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида 4 та, Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида 4 та, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасида 1 та ҳамда Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ва унинг туманларида 9 та мурожаатнинг ижро муддати бузилгани аниқланди.

Шунингдек, Йиғилишда Президентимиз яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтди. Давлат сис-эсати ва ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилаш, вазирлик ва идораларда тўғри қарорлар қабул қилинишида, умуман, аҳоли кайфияти ва уни ўйлантираётган масалаларни билишда мурожаатлар билан бир қаторда социологик тадқиқотлар натижалари ҳам муҳим манба экани таъкидланди. Шу боис, бундай

тадқиқотларнинг кўлами ва сифатини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Эндиликда бир марталик ижтимоий сўровлар билан чекланмай, қаерда ишонч ортаётгани, қаерда сусаяётгани, қайси қарорлар адолатли, қайсилари одамларга манфаат келтирмаётгани бўйича доимий мониторинг ва таҳлиллар ўтказилиши белгиланди.

Бу борада яқинда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самардорлигини ошириш мақсадида махсус мониторинг платформаси ишлаб чиқилди. Мазкур платформа орқали вазирликка келиб тушаётган мурожаатлар ягона тизимда жамланган, доимий равишда таҳлил қилинади ва назорат қилиб борилади. Платформада мурожаатлар бўйича асосий кўрсаткичлар реал вақт режимида акс эттирилади. Хусусан, жами келиб тушган мурожаатлар сони, бажарилган мурожаатлар, бажарилмаган мурожаатлар ҳамда умумий ижро фоизи автоматик ҳисобланади. Бу эса, раҳбариятга мурожаатлар ҳолатини тезкор баҳолаш ва зарур бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Шунингдек, платформа мурожаатларни худудлар кесимида таҳлил қилиш имкониятини ҳам тақдим этади. Бу орқали қайси худудларда мурожаатлар сони кўпчилиги, қайси йўналишларда муаммолар кўпроқ учраётганини аниқ кўриш мумкин. Тизимда мурожаатлар динамикаси ҳам акс эттирилган бўлиб, вақт кесимида қандайд ўзгариб бораётгани таҳлил қилинади. Бу маълумотлар асосида муаммоларни эрта аниқлаш ва уларни тизимли ҳал қилиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, платформа мурожаатларни туманлар, йўналишлар ва мазмуни бўйича ҳам таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, сув таъминоти, канализация, уйлари таъмирлаш, коммунал хизматлар сифати каби асосий муаммолар йўналишлар аниқ кўриниб туради.

Энг муҳими, мазкур мониторинг тизими орқали ҳар бир мурожаатнинг ижро муддати устидан қатъий назорат ўрнатилди. Бу эса, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва фуқаролар розилигини оширишга хизмат қилади. Ушбу платформа мурожаатлар билан ишлаш жараёнини рақамлаштириш, таҳлил қилиш ва бошқариш имкониятларини бир неча баробар ошириб, тизимли ва шаффоф ишлашни таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, вазирликда ҳар бир мурожаат, унинг ижроси ва муддати доимий эътиборда. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини унутмасдан иш олиб бориш – асосий вазифамиз.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мەхнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси.



Мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, аҳоли билан мулоқотни янада кучайтириш ва фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш масаласи давлат сис-эсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига бағиш-лаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши мазкур йўналишдаги ислохотларни янги bosqichga олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугун юртимиз аҳолиси 38 миллиондан ошди, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 20 миллиондан зиёдни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, аҳоли даромадлари икки баробарга кўпайди. Бу эса амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар самараси эканидан далolatлр. Бирок, аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодий фаоллигининг ортishi мурожаатлар сонининг ҳам кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу боис мазкур соҳадаги ишларни янада самарали ташкил этиш долзарб вазифага айланмоқда.

Агар рақамлар таҳлилига қаралса, бугун ҳар ўн минг аҳолига ўртача 319 та мурожаат тўғри келмоқда. Айрим худудларда бу кўрсаткич анча юқори. Масалан, Тошкент шаҳрида 535 та, Навоий вилоятида 462 та, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида эса 452 тадан мурожаат қайд этилган. Бу ҳолат айрим худудларда мурожаатлар билан ишлаш тизими етарлича самарали эмаслигини кўрсатади.

Шу боис, давлат раҳбари томонидан айрим ҳокимлар ва мутасадди раҳбарлар фаолияти танқид қилинди. Хусусан, баъзи жойларда сайёр қабуллар номига ўтказилаётгани, аҳоли билан мулоқот формал тус олаётгани таъкидланди. Бундай ҳолатлар, албатта, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, йиғилишда ижобий натижалар ҳам қайд этилди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида раҳбарларнинг мурожаатлар билан бевосита шуғуллангани натижасида аҳоли мурожаатлари 25-30 фоизга камайган. Бу эса раҳбарларнинг масъулияти ва шахсий назорати муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил эканини кўрсатади.

Аммо, ички ишлар органлари, мажбурий ижро бюроси, энергетика, бандлик ва соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича мурожаатлар кўпчилиги қолмаётгани ҳам айтиш ҳақиқат. Бу ҳолат ушбу соҳаларда хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

Қолаверса, электр таъминоти, йўллар, сув ва канализация тизими билан боғлиқ муаммолар бўйича 2025 йилда 100 миңдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида жорий йилда 20 триллион сўм маблағ ажратилган. Мазкур маблағларни, аввало, энг кўп мурожаат тушаётган маҳаллаларга йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Айнан ушбу йўналишда биз, парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни муҳим саналади. Сабаби, сайловчилар томонидан билдирилган мурожаатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, давлат раҳбари айтганидек маблағларни энг аввало зарур худудларга йўналтириш, иш сифати устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур.

Шунингдек, Президентимиз томонидан мурожаатлар билан ишлаш тизимини янги bosqichga олиб чиқиш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Эндиликда, Халқ қабулхоналари фақат мурожаат қабул қилувчи идора эмас, балки худудлардаги муаммоларни таҳлил қиладиган ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдиган марказга айлантирилади.

Ушбу ташаббуслар мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини сифат жиҳатидан янги bosqichga олиб чиқади. Энг муҳими, муаммоларни фақат бартараф этиш эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, тизимли ечим топиш имконини беради.

Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан мулоқот маданиятини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби вазифалар ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу орқали, давлат ва халқ ўртасидаги масофа йўқолиб, идоралар ёпиқ кўрган эмас, балки одамларга хизмат қиладиган шаффоф масканга айланади. Фуқаро бирор ишдини битириш учун сарсон бўлмайди, балки маданиятни мулоқот ва тезкор ечимга эга бўлади. Энг муҳими, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончи ортади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бу фақат бошқарув механизмларини янгилash эмас, балки давлат ва халқ ўртасидаги ишончнинг янада мустаҳкамлаш демакдир. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, оила дарди ва адолатга бўлган ишонч муҳассам.

“Шаффоф қурилиш” да сунъий интеллект асосидаги виртуал ёрдамчи ишга тушди

“Шаффоф эксперт” деб номланган ушбу виртуал ёрдамчи ai.shaffofqurilish.uz манзилида жойлашган бўлиб, фойдаланувчиларга 24/7 режимида тезкор маълумот тақдим этади.

Шунингдек, <https://ai.shaffofqurilish.uz> платформасида фойдаланувчилар:

- чат тарихини юкляб олиш;
- қурилиш соҳасига оид қонунийлик ҳужжатлари билан танишиш имкониятига эга.

Мазкур виртуал ёрдамчи қурилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишни янада осонлаштириш, мутахассисларнинг вақтини тежаш ҳамда соҳага оид маълумотларни тезкор ва аниқ олишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш – жамоатчилик назоратида

Нукус шаҳридаги “Дўстлик уйи” да “Юксалиш” ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жамоатчилик эшитиуви ўтказилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жамоатчилик эшитиувида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги раҳбарлари, мутахассислари, бошқарув, сервис компаниялари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Тадбирни “Юксалиш” ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бошлиғи Т.Романов олиб борди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Бошқарув сервис компаниялари раҳбарларининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 60-мақсади доирасида белгиланган кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизимини ривожлантириш

вазифаларининг бажарилиши бўйича ҳисоботи тингланган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-22-сонли фармонида, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурини бажариш ва назорат қилиш вазифалари белгиланган. “Тараққиёт стратегияси маркази” ва “Юксалиш” ҳаракатига эса Давлат дастурининг амалга оширилишини жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда танқидий ўрганиб бориш вазифаси юклатилган эди.

Ўрганишлар давомида Нукус шаҳридаги айрим коммунал хизмат кўрсатиш муассасалари томонидан хизмат кўрсатилаётган кўп қаватли турар жойлар атрофида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмаганилиги, уйлarning айрим жойлари таъмирга муҳтожлиги, хаттоки айрим ертўлаларда фуқароларнинг буюмлари қўйилганлиги каби қатор камчиликлар аниқланган. Шунингдек, Хўжайли, Қонлиқул, Кўнғирот туманларида олиб борилган ўрганишларда ҳам коммунал хизмат билан боғлиқ шундай муаммолар аниқланган.

Жамоатчилик эшитиувида кўтарилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.



“Ўзбекгидроэнерго” – янги истиқболли лойиҳалар

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2025 йил асосий натижалари ва янги истиқболли лойиҳалар мавзусидаги матбуот анжумани ўтказилди.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ 2017 йилда Президент ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, мамлакатда гидроэнергетика салоҳиятини тизимли ривожлантириш, мавжуд объекتلарни модернизация қилиш ва янги қувватларни ишга туширишда асосий роль ўйнаб келмоқда. Ташкил этилган пайтда республикада 1 604 мегаватт қувватга эга 36 та гидроэлектр станция фаолият юритган бўлса, бугунги кунда ишлаб чиқариш қуввати 800 мегаваттга оширилди, умумий қувват 2 400 мегаваттга етказилди. Республикадаги гидроэлектр станциялар сони 100 дан ошди.

Жумладан, ташкилот томонидан 13 та мавжуд станция модернизация қилиниб, 64 та янги объект фойдаланишга топширилди. Бу лойиҳаларга жалб қилинган инвестиция ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

– 2025 йилда жамиятимиз корхоналари 6,5 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб

чиқарди, – деди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқарув раиси ўринбосари Фаруҳ Нуруллаев. – Давлат инвестиция дастури доирасида эса 237 миллион АҚШ доллар миқдоринда инвестиция ўзлаштирилди. Натижада эса саноат маҳсулотлари ҳажми 700 миллиард сўмдан ошди.





QISHLOQQURILISHLOYIHA



Ezgu duolar osmonga ko'tarilgan,
qalblar shukronaga to'lgan
bugungi muborak kunda barcha
yurtdoshlarimizni

Ramazon hayiti bilan qutlaymiz.

Yurtimizda tinchlik, xonadonlarimizda baraka va
ko'ngillarimizda doimo shodlik hukm sursin!

"O'zshaharsozlik LITI"

BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI



*Barcha musulmon ahliga
Ramazon hayiti
muborak bo'lsin!*



Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиёт босқичида том маънода янги бир саҳифа очилмоқда. Ўзбекистоннинг XXI асрдаги энг йирик шаҳарлашув ташаббуси сифатида эътироф этилаётган Янги Тошкент лойиҳаси шунчаки навбатдаги қурилиш майдони эмас, балки келажак шаҳарсозлигининг концептуал модели сифатида намоён бўлмоқда. Унда замонавий урбанистика тамойиллари, экологик барқарорлик мезонлари ва инновацион муҳандислик ечимлари уйғунлашган ҳолда янги ҳаёт макони барпо этилмоқда.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Айни пайтда лойиҳа доирасида 100 дан ортқ бино ва иншоотда қурилиш ишлари жадал суръатда давом этмоқда. 2023 йил лойиҳа ишга тушаётган пайтда Президентимиз "Янги Тошкентда уй-жой, транспорт, ишона, маданият, спорт ва таълим объектларини қамраб олган замонавий урбанизация ва илмий ёндашувлар асосида "ақлли" технологиялар жорий этилади, метро ва автобуслар уйғунлиқда ҳаракатланади. Пилдадалар ва велосипедчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилиб, автомобил қатнови учун 14 та замонавий тунел ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади", деган эди.

Демак, гап фақат кўп қаватли уйлар ёки алоҳида бинолар ҳақида эмас, балки тўлиқ шаклланаётган янги шаҳар муҳитини яратиш жараёни ҳақида бормоқда. Қурилиш майдонларида айни пайтда 10 мингдан ортқ мутахассис ва ишчи меҳнат қилаётгани жараённинг кўлами ва динамикасини яққол кўрсатади. Бу кўрсаткич Янги Тошкент лойиҳаси мамлакат иқтисодий фаоллигининг муҳим драйверига айланиб бораётганини аниқлатади. Бир сўз билан айтганда, Янги Тошкент бугун нафақат қурилиш майдони, балки кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, замонавий инфратузилма ва барқарор ривожланиш ғояларини муважжасан эътибор билан ийрик миллий лойиҳага айланмоқда.

– Янги Тошкент лойиҳаси ҳажми жиҳатидан Тошкент шаҳридаги туртта Яққасарой туманига тенг келадиган улкан ҳудудни қамраб олади, – деди "Yangi Toshkent shahrini barpo etish direksiyasi" раҳбари маслаҳатчиси Саидазим Шарипов. – Энг муҳими, қурилиш ишлари мутлақо бўш майдонда амалга оширилаётгани сабабли, шаҳарни нолдан, яхлит концепция асосида барпо этиш имконияти яратилди. Бу эса, ер усти ва ер ости инфратузилмасини ўзаро мутаносиб ва замонавий талаблар асосида лойиҳалаш имконини бермоқда. Шубҳасиз, бу шаҳарсозлик нуқтаи назаридан катта ютуқдир. Лойиҳалаш жараёнида келгусидаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда барча жиҳатлар атрофида инновацион олинган. Жумладан, ҳудудда шаклландиран транспорт оқимларига қараб йўл тармоқлари режалаштирилган, ижтимоий соҳа объектлари, боғ ва яшил ҳудудлар, дам олиш масканлари ҳамда бошқа зарур инфратузилма иншоотлари комплекс тарзда жойлаштирилган. Бу ёндашув Янги Тошкентни фақат янги қурилиш майдони эмас, балки пухта уйланган ва барқарор ривожланишга йўналтирилган замонавий шаҳар сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

– Янги Тошкент лойиҳаси ҳажми жиҳатидан Тошкент шаҳридаги туртта Яққасарой туманига тенг келадиган улкан ҳудудни қамраб олади, – деди "Yangi Toshkent shahrini barpo etish direksiyasi" раҳбари маслаҳатчиси Саидазим Шарипов. – Энг муҳими, қурилиш ишлари мутлақо бўш майдонда амалга оширилаётгани сабабли, шаҳарни нолдан, яхлит концепция асосида барпо этиш имконияти яратилди. Бу эса, ер усти ва ер ости инфратузилмасини ўзаро мутаносиб ва замонавий талаблар асосида лойиҳалаш имконини бермоқда. Шубҳасиз, бу шаҳарсозлик нуқтаи назаридан катта ютуқдир. Лойиҳалаш жараёнида келгусидаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда барча жиҳатлар атрофида инновацион олинган. Жумладан, ҳудудда шаклландиран транспорт оқимларига қараб йўл тармоқлари режалаштирилган, ижтимоий соҳа объектлари, боғ ва яшил ҳудудлар, дам олиш масканлари ҳамда бошқа зарур инфратузилма иншоотлари комплекс тарзда жойлаштирилган. Бу ёндашув Янги Тошкентни фақат янги қурилиш майдони эмас, балки пухта уйланган ва барқарор ривожланишга йўналтирилган замонавий шаҳар сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

"Шарқ баҳори" лойиҳанинг муҳим тимсоли

Янги Тошкент умумий 19 минг 700 гектар майдонни қамраб олган улкан ҳудудда барпо этилмоқда. Ҳозирги босқичда унинг 6 минг гектар қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани лойиҳанинг босқичма-босқич, пухта режа асосида амалга оширилаётганини кўрсатади.

Мазкур лойиҳанинг марказий ва тимсолий қисми – "Шарқ баҳори" турар жой мажмуаси ҳисобланади. Умумий 1 800 000 квадрат метр қурилиш майдонига эга бўлган ушбу мажмуа 260 та блокдан иборат бўлиб, 13 879 та турар жой ва 1121 та тижорат объектини ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар "Шарқ баҳори"ни шунчаки турар жой массиви эмас, балки мустакил инфратузилмага эга замонавий шаҳарча сифатида тасаввур қилиш имконини беради. Мажмуанинг 100 минг квадрат метр яшил ҳудуд билан уралгани "яшил шаҳар" концепциясининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда. Ички ҳовили архитектура ечимлари, ярим-хусусий ва хавфсиз маконлар, пилдадалар учун қулай ҳамда устувор инфратузилманинг яратилиши эса анъанавий маҳалла муҳитини замонавий шаклда қайта тиклашга хизмат қилмоқда.

Бу жиҳатлар юртимизда инсон қадрини улуғлаш, яшаш муҳитини янада обод ва барқарорлаштиришга қаратилган изчил сиёсат билан ҳамохан бўлиб, Юртбошимиз томонидан 2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиниши мазмун-моҳиятини амалда намоён этмоқда. Натияжада, "Шарқ баҳори" нафақат яшаш жойи, балки ижтимоий мулоқот, хавфсизлик ва қулайлик уйғунлашган ҳаёт маконига айланиши кутилмоқда.

ЯНГИ ТОШКЕНТ

мамлакатнинг инновацион салоҳияти ва келажакка ишончининг ёрқин тимсоли



«Янги Тошкент»

– Бугунги кунда Янги Тошкент лойиҳаси доирасида қурилиш ишлари "Шарқ баҳори" турар жой мажмуасида фаолият юрляпти, – деди қурувчи Назиржон Сирожидинов. – Айни пайтда биноларнинг косметика ва герметика ишларини амалга оширяпмиз. Энг муҳими, бу лойиҳада ишлаш орқали юртимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Қолаверса, илгари асосан, чет давлатларда ишлаб келган бўлсам, бугун ўз ватанимда, оилам яқинида, севган касбимда фаолият олиб бораётганим мен учун катта бахт.



Рекорд лойиҳалар ва спорт инфратузилмаси

Янги Тошкент ҳудудида дунёдаги энг баланд – 232 метрли мусиқали фаввора барпо этилиши кутилмоқда. Мазкур иншоот нафақат муҳандислик нуқтаи назаридан ноёб лойиҳа, балки янги шаҳар тимсолига айланиши кўзда тутилган рамзий обидадир. Режага қўра, фаввора жорий йилнинг август ойида фойдаланишга топширилади. У Янги Тошкентнинг илк йирик ва эътиборни тортувчи объектларидан бири сифатида жамоатчиликка тақдим этилиши кутилмоқда. Шу билан бирга, 55 минг ўринга мўлжалланган замонавий стадион қурилиши ҳам жадал суръатда давом этмоқда. Мазкур спорт мажмуаси халқаро талаб ва стандартлар асосида барпо этиляпти. Шунингдек, ушбу стадион 2027 йилда 20 ёшга бўлган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мезбонлик қилиши кутилмоқда. Қолаверса, бу иншоот нафақат жаҳон чемпионати, балки бутун ўзбек футбол ва ёшлар спортининг келгуси ўн йиллик ривожига учун хизмат қилиши таъкидланди.

Қурилиш ишлари белгиланган жадвал асосида олиб борилаётган ва объект келгуси йилнинг март ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бундай йирик ва стратегик аҳамиятга эга иншоотлар Янги Тошкентни нафақат республика миқёсида, балки халқаро майдонда ҳам танитишга хизмат қилади. Улар янги шаҳарни глобал тадбирлар, спорт мусобақалари ва сайёҳлик йўналишлари марказига айлантириш салоҳиятига эга.

Илм-фан ва маънавият маркази

Мега лойиҳа таркибида юртимизнинг етакчи олий таълим ва маънавият масканлари ҳам барпо этилмоқда. Жумладан, Янги Ўзбекистон университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонасининг янги мажмуалари ва яна бошқа кўплаб муассасалар айнан шу ҳудудда қад ростлайди.

Бу ҳам Янги Тошкентни шунчаки маъмурий ёки турар жой маркази эмас, балки илм-фан, таълим ва интеллектуал салоҳият жамланган замонавий академик маконга айлантириш мақсади кўзланаётганини аниқлатади.



«Шарқ баҳори» турар жой мажмуаси

Шу ўринда беихтиёр Янги Тошкент ташаббускори Президентимизнинг 2024 йил 3 апрель кунини шаҳардаги илк иншоотлар қурилишини бошлаш маросимида "Янги шаҳар қурилиши илм-фан, маънавият масканларидан бошланаётгани бежиз эмас. Булар маърифатли жамият барпо этиш ғоясининг асоси ва намунаси бўлади" деган сўзлари ёдимизга тушади.

Мазкур таълим ва маърифат масканларининг бир ҳудудда жамланиши ўзаро илмий интеграция, инновацион ҳамкорлик ва ёшлар учун кенг имкониятлар майдонини яратади. Бу ҳам янги шаҳарнинг маънавий қиёфасини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Англиянинг нуфузли "Zaha Hadid Architects" компанияси томонидан Алишер На-

воий мақом марказининг лойиҳалаштирилгани миллий анъаналар ва замонавий архитектура ечимларининг уйғунлашганини яққол намоён этади. Мазкур ёндашув Янги Тошкент қиёфасида глобал меъморий тафаккур билан ўзбекона эстетик қарашларнинг ўзаро муштараклигини таъминлайди.

“Ушбу мегалойиҳа ислохотларимиз ҳаётда қандай акс этаётганининг яққол исботи, янгиланиш ва тараққиёт йўлидаги дадил қадамларимизнинг ёрқин тимсоли бўлади. Сиз, тадбиркорлар учун Янги Тошкент – янги имкониятлар, янги ғоялар ва янги бозорлар майдонига, инновациялар ва инвестициялар марказига айланади”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.



Биз замонавий автотураргоҳларни янада кўпайтиришимиз зарур. Улар аҳоли учун максимал даражада қулай бўлиши керак. Шу билан бирга, келгусида электромобиллар улуши ортишини ҳисобга олиб, уларни қувватлаш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишларни янада кенгайтиришимиз лозим”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.



ёни ҳам параллел равишда олиб борилмоқда. Бу эса, “аввал бино, кейин табиат” эмас, балки курилиш ва экологини уйғун ҳолда ривожлантириш ёндашуви танланганини аниқлатади. Мазкур тизимли чоралар Янги Тошкентда экологик барқарорликни устувор мақсад сифатида белгилаш, аҳолига соғлом ва қулай яшаш муҳити яратиш йўлида пухта ўйланган стратегиянинг амалий ифодасидир.

– Худудда бугунги кунга қадар 1 миллионга яқин кўчат экилган бўлиб, улар мунтазам парвариш қилинмоқда, – деди “Yangi Toshkent shahrini barpo etish direksiyasi” бўлим бошлиғи Ойбек Азимов. – Келгусида яна 2,5 миллион туп дархат экиш режалаштирилгани эса ушбу худудни йирик яшил маконга айлантиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлардан далолат беради. Айни пайтда кўчат экиш ва кенг қўламли кўкалмзорлаштириш ишлари ҳам манзарасининг эстетик яхлитлигини таъминлайди, визуал шовқинни камайтиради ва хавфсизлик даражасини оширади. Шу билан бирга, коммуникация тармоқларини техник хизмат кўрсатиш жараёни ҳам анча қулай ва тизимли бўлади.

Янги Тошкент газсиз шаҳар бўлади

Янги Тошкент замонавий муҳандислик ечимлари асосида барпо этилаётган симёғочларсиз шаҳар сифатида лойihalаштирилмоқда. Яъни, электр энергияси, интернет ва бошқа коммуникация тармоқларининг барчаси махсус ер ости галерейлари орқали ўтказилади. Бу ёндашув, аввало, шаҳар манзарасининг эстетик яхлитлигини таъминлайди, визуал шовқинни камайтиради ва хавфсизлик даражасини оширади. Шу билан бирга, коммуникация тармоқларини техник хизмат кўрсатиш жараёни ҳам анча қулай ва тизимли бўлади.

Шунингдек, Янги Тошкент газсиз шаҳар бўлиши кутилмоқда. Энергия таъминоти тўлиқ электрлаштирилган тизим асосида йўлга қўйилади. Мазкур йўналишда Туркиянинг “Nimsin Energy” компанияси томонидан замонавий “уч-генерация” технологияси жорий этилмоқда. Ушбу инновацион тизим бир вақтнинг ўзига электр энергияси ишлаб чиқариш, биноларни иситиш ва совутиш имконини беради. Натижада энергиядан самарали фойдаланиш, йўқотишларни камайтириш ва экологик таъсири минималлаштириш мақсад қилинган. Бугунги кунда “уч-генерация” ускуналари Туркиянинг Малатя шаҳридан олиб келинмоқда. Шундай экан, барча бинолар марказлашган иситиш ва совутиш тизимига уланади. Бу эса, ҳар бир объект учун алоҳида қурилма ўрнатиш заруратини камайтириши таъминлайди.

Умуман олганда, мазкур ёндашув келажак шаҳрини юқори технологияларга асосланган, экологик масъулиятли ва барқарор энергетика моделига эга замонавий шаҳар сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

15 дақиқалик шаҳар модели

Бу ерда транспорт тизими ҳам замонавий урбанистик концепциялар асосида шакллантирилмоқда. Лойиха “15 дақиқалик шаҳар” модели тамойилига таянади. Яъни аҳоли кўндалик эҳтиёжлари – иш, таълим, савдо, хизмат кўрсатиш ва дам олиш масканларига 15 дақиқа ичида етиб бора оладиган инфратузилма яратилади. Бу ёндашув орқича транспорт юкласини камайтириш, вақт тежамкорлигини таъминлаш ва шаҳар ҳаётини янада қулай ташкил этишга хизмат қилади.

Шу мақсадда ер ости автотураргоҳлари ва ер ости йўллари барпо этилиши режалаштирилган. Пйёдалар учун эса автомобиллар ҳаракати билан кесилмайдиган алоҳида йўлақлар ташкил этилади. Натижада транспорт оқими ва пйёдалар ҳаракати ўзаро туқнашмайдиган, хавфсиз ва тартибли шаҳар муҳити юзага келади. Бундан ташқари, умумий узунлиги 21 километр бўлган метро линиясининг Янги Тошкентга етиб келиши кўзда тутилган. Мазкур йўналиш 9 та замонавий бекатни ўз ичига олган бўлиб, 4 та метро станцияси айнан янги худудда жойлашади. У кунига 230 минг йўловчига хизмат кўрсатади. Линия пойтахт метросининг мавжуд тармоқлари билан тўлиқ интеграция қилинади, бу эса йўловчилар учун ягона ва узлуksиз транспорт тизимини шакллантиради. Ҳозирда қурилишнинг биринчи босқичи сифатида 5 километр масофада ишлар олиб борилмоқда.

Халқаро инвесторлар ишончи

Мазкур мегалойихага маҳаллий инвесторлар билан бир қаторида, Буюк Британия, Сингапур, Туркия, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари, Саудия Арабистони, Япония ҳамда Америка Қўшма Штатлари каби давлатлардан инвесторлар жалб этилгани унинг иқтисодий салоҳияти ва стратегик жозибадорлигини яққол намён этади. Турли минтақалардан сармоядорларнинг иштироки лойиха атрофида шаклланган халқаро ишонч муҳитидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, Янги Тошкент ташаббуси нафақат миллий, балки глобал миқёсда ҳам эътироф этилаётганини кўрсатади.

Бугун бу кенг худудда бунёдкорлик ишлари шиддат билан давом этмоқда. Қурилиш майдонларида меҳнат, изланиш ва юксак мақсад муважжасам. Эртага эса, Янги Тошкент Ўзбекистоннинг янги рамзи, замонавий ҳаёт тарзи ва барқарор ривожланиш тамойилларининг амалий ифодасига айланиши аниқ. У нафақат пойтахтнинг янги қиёфаси, балки мамлакатнинг инновацион салоҳияти ва келажакка ишончининг ёрқин тимсоли бўлиши мумкин.

Шу ўринда, Сохлбқирон Амир Темурнинг “Бизнинг қудратимизга ишонмасангиз, бунёд этган обидаларимизга боқинг” деган маънодаги машҳур ҳикмати бежиз айтилмаганига амин бўламиз. Зеро, давлатнинг қудратини унда барпо этилаётган бино-иншоотлар орқали аниқлаш мумкин. Улар ҳам мамлакат салоҳияти сингари юксак, виқорли ва салобатли бўлади. Чунки ҳар қандай бунёдкорлик ёки ислохот замирида мурайян эҳтиёж ва ҳаётий зарурат ётади. Ана шу эҳтиёж ва зарурат ҳақиқатга келтиради, уни янги марралар сари етаклаб, қудрат ва тараққиётни моддий тимсолларда – обида ва иншоотларда намён этади.



Экошаҳар – яшил макон ва соғлом муҳит

Янги Тошкентнинг Қорасув ва Чирчиқ дарёлари орқали жойлашгани лойиха учун табиий-географик устулик яратади. Ушбу худуднинг сув ресурсларига яқинлиги шаҳар-

созликда инновацион ечимларни қўллаш имконини бермоқда. Хусусан, шаҳар ичидан сунъий каналлар ўтказиш, соҳил бўйи худудларни ташкил этиш орқали микроклимни меъёрлаштириш ва ёзнинг жазирама иссигини юмшатиш режалаштирилган. Бу эса, келажак шаҳрида нафақат эстетик, балки экологик қулай муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Лойихада

умумий худуднинг 30-35 фоизини яшил майдонлар ташкил этиши кўзда тутилгани унинг “эко-шаҳар” тамойилига содиқлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, махсус кўчатхона ташкил этилиб, турли дархат ва манзарали ўсимликлар етиштириляпти. Энг муҳими, курилиш ишлари билан бир вақтда кўкалмзорлаштириш жара-

“Янги Тошкент” да барпо этилаётган миллий кутубхона биноси

Ўзбекистоннинг қимматбаҳо меъморий ёдгорлиги

Самарқанднинг марказида жойлашган Гўри Амир мажмуаси Ўзбекистоннинг энг қимматбаҳо тарихий ва меъморий ёдгорликларидан бири сифатида эътиборга лойиқдир. Ушбу нуфузли иншоот нафақат Темурийлар сулоласининг тарихий хотирасини асраб-авайлаб келади, балки Марказий Осиёда ўрта асрлар меъморчилигининг юқори чўққиларини ҳам намоён этади.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мажмуа ўзининг мураккаб қурилиш тизими, мукамал пропорциялари, нафис безаклари ва геометрик уйғунлиги билан нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки архитектура ва илмий тадқиқотлар нуқтаи назаридан ҳам бебаҳо меъморлик ҳисобланади. Хусусан, бинонинг мураккаб структурасида гумбазлар, равоқлар, галерейлар ва минораларнинг уйғунлиги кузатилади. Ҳар бир детал, ҳар бир безак ўзининг мукамаллиги ва нафосати билан эътиборни тортади.

Иншоот қурилишида ишлатилган қошнлар, мрамар ва ганч элементларининг ранг-баранглиги ҳамда геометрик уйғунлиги мажмуанинг жозибдорлигини янада оширади. Шунингдек, бино нафақат ташқи қиёфаси, балки ички маконининг мукамал тартиби билан ҳам ажралиб туради. Ички равоқлар, зиёратгоҳлар ва гумбазлар орасидаги ўта нозик декоратив ишланмалар мажмуанинг меъморий тафаккурини намоён этади. Уларнинг ҳар бири ўзида Темурийлар даврининг санъат, диний ва сиёсий тушунчаларини мужассамлаштирган.

Гўри Амир мажмуаси тарихий шахсларнинг, хусусан, Амир Темур ва унинг авлодларининг тарихий хотирасини сақлаш билан бирга, ил-

мий тадқиқотлар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Археологик қазилмалар ва реставрация ишлари мажмуадаги кўплаб йўқолган элементларни тиклашга имкон берди, бу эса тарихий ва меъморий обидаларни келажак авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳаммад Султон ансамбли

Мажмуа таркибидаги Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақоҳи XV аср бошларига тааллуқлидир. Тарихий манбаларга кўра, Муҳаммад Султон мадрасаси Урта Осиёда сақланган энг қадимий мадрасалардан бири бўлиб, XVII асрда фаолият кўрсатган. XVIII асрнинг 20 йилларида эса иқтисодий ва ижтимоий инқироз сабаб, мадрасанинг асосий иншоотлари вайронга айланган.

Узоқ йиллар давомида ансамблнинг асл таркиби йўқолиб, фақат архитектуравий қолдиқлар ва деворлар сақланган. XX асрнинг ўрталарида амалга оширилган археологик қазилмалардан сўнг мадрасанинг пойдевори, девор қолдиқлари ва баъзи безакларининг жойлашуви аниқланди. Тадқиқотлар натижасида бинонинг ҳажми, конструкцияси ва безаклари чизмада қайта тикланди. Бу эса, ўз навбатида кейинги реставрация ишларига мустаҳкам асос бўлди.

Муҳаммад Султон ансамбли ҳудудидидаги ховли шарқ томонида жойлашган мадрасанинг девор қолдиқлари ва қошин парчаларидан унинг нақадар нафис ва мураккаб меъморий услубда қурилгани сезилади. Ансамблдан фақат пештоқгина яхши сақланган. Бу пештоқ моҳирлик билан ишланган бўлиб, турли-туман қошинлари билан девор фонидида яққол кўриниб туради. Қошинлар орасига бинони қурган уста Муҳаммад бинни Маҳмуд Исфаҳонининг номи жим-жимдор қилиб ёзиб қўйилган.

Фиштин устунлар беағида "гириҳ" деб аталувчи геометрик шаклларга асосланиб, нафис қилиб ишланган композиция асосий ўринни эгаллайди. Равоқли, кунгура девор гулдор гилам қилиб безатилган. Деворларнинг тўқ зангори фонидида чирмашиб, гуллаб турган ўсимликнинг расми тасвирланган. Тоқчадаги қуббалар майда аркалар шаклида бир-бирига турли бурчаклар билан туташган муқарнаслар билан ишланган.

Гўри Амир мақбараси



Гўри Амир мақбараси

Гўри Амир мажмуаси Муҳаммад Султон ансамблининг марказида жойлашган бўлиб, Темурийлар сулоласининг тарихий меросини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ноёб меъморий обида нафақат Амир Темур, балки унинг пири Мир Сайид Барақа, ўғиллари Мироншоҳ ва Шохруҳ ҳамда буюк астроном ва давлат арбоби Мирзо Улугбекнинг дафн этилган маскани ҳисобланади.

1449 йилда юз берган сиёсий инқироз натижасида Улугбек ваҳиёна ўлдирилган ва унинг жасади Гўри Амир мажмуасига кўмилган. Шу тариқа, мажмуа нафақат тарихий воқеалар гувоҳи, балки Темурийлар даври сиёсий ва маданий хотирасининг марказий рамзи сифатида қадрланади. Мажмуа икки қаватдан иборат. Биринчи қават зиёратгоҳ, пастки қават ер остидаги даҳмаларни ўз ичига олади. Ички қисмидаги

шпал ва ганч ишланмалар, мрамар ва қошинлар, геометрик нақшлар ҳамда араб ёзувлари мажмуа меъморчилигининг мураккаблигини ва нафислигини очиб беради. Бу элементлар нафақат эстетик жиҳатдан муҳим, балки бино ичидидаги ёруғлик ва акустика тизимини ҳам мукамал тарзда таъминлайди.

Гумбазнинг остки қисми тахминан 15 метр атрофида бўлиб, баландлиги 12,5 метрга етади. 64 қабиргадан иборат гумбаз шарафа орқали мустаҳкам пойдеворга туширилган. Бу эса оғирликни тенг тақсимлаб, бино барқарорлигини таъминлайди. Ранг-баранг қошин ва декоратив элементлар билан безатилган гумбазнинг кўриниши осмонни эслатади. Шу билан бирга, гумбазнинг юқори қисми сирли қошинлар билан қопланган бўлиб, шарафалар ва безаклар мажмуанинг ташқи қиёфасини янада салобатли ва жозибали қилади.

Гўри Амир мажмуасининг ташқи қисми ҳам

нафис безаклар, геометрик шакллар ва қошин ишланмалар билан бойитилган. Мажмуа ички ва ташқи маконининг уйғунлиги, равоқлар, галерейлар ва миноралар ўртасидаги мувозанат уни ягона комплекс сифатида кўрсатади. Галерей ва минора қолдиқлари мажмуани марказий майдон билан боғлаб, ансамблнинг визуал ва функционал яхлитлигини таъминлайди. Шу тариқа, иншоот ўз даврининг энг мукамал архитектура намуналаридан бири сифатида нафақат тарихий, балки илмий ва эстетик аҳамиятга ҳам эга.

Қурилиш технологияси ва меъморий услуб

Муҳаммад Султон мадрасаси ва Гўри Амир мажмуасида қўлланилган қурилиш технологияси ва меъморий услуб ўрта асрлар Марказий Осиёсидаги меъморчиликнинг энг юқори чўққиларидан бири эканлигини кўрсатади. Ушбу мажмуаларда ганч, мрамар, қошин ва зарҳал каби турли материаллар моҳирона бирлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири нафақат мустаҳкамлик балки эстетик қиёфа яратиши вазифини бажаради. Бу материаллар орқали мураккаб композициялар ташкил этилган бўлиб, деворлар, гумбазлар, равоқлар ва минораларнинг уйғунлиги мажмуанинг ташқи кўринишида ўзига хос мувозанатни ҳосил қилади. Шу билан бирга, ички маконнинг ёруғлик билан таъминланиши, ранг-баранг қошин ва ганч нақшларининг жойлашуви мажмуага нафис акустика ва ёруғлик эффектларини бериб, зиёратчиларда мафтункор ва муқаддас руҳият уйғотади.

Гўри Амир мажмуасининг гумбаз ва миноралари ўзининг мураккаб конструктив тизими билан ажралиб туради. Гумбаз ости шарафа орқали мустаҳкам пойдеворга тушади, бу эса бинонинг барқарорлигини таъминлайди ва кўза ташланмадан оғирлик сезилмайди. Миноралар эса қошинлар билан қатъий ва симметрик тарзда қопланган бўлиб, юқорига кўтарилган сари уларнинг чизиклари ингичкалашиб боради. Бу эса бино устига кўтарилганида визуал енгилик ва баландлик ҳиссини ҳосил қилади. Деворлар ва ички равоқларда ишлатилган қошин ва ганч нақшларининг ранг-баранглиги мажмуа ички безакларининг ажойиб уйғунлигини таъминлайди.

Ҳар бир нақш ўзида турли шакллар, ўсимлик тасвирлари ва геометрик элементларни мужассамлаштирган бўлиб, улар мажмуа ичидидаги симметрия ва ритмни мукамал тарзда акс эттиради. Равоқлар, гумбазлар ва галерейлар орасидаги бу уйғунлик нафақат эстетик жиҳатдан, балки функционал жиҳатдан ҳам бинонинг ёруғлик, ҳаво айланиши ва акустикасини оптималлаштиришга хизмат қилади. Шу тариқа, Муҳаммад Султон мадрасаси ва Гўри Амир мажмуаси меъморий ва қурилиш технологияси жиҳатидан ўз даврининг энг илгор ёдгорликлари сифатида тарих зарвароқларидан жой олган.

RAMAZON

HAYITI MUBORAK!

O'ZGASHKLITI

QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI
LOYIHA ILMIIY-TADQIQOT INSTITUTI




Қадимги Миср тарихида номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинган шахслардан бири – Имхотепдир. У Мисрда ҳукмронлик қилган фиръавн Джосернинг маслаҳатчиси, давлат амалдори ва бош меъмори бўлган.

Аҳдам ЭГАМБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Имхотеп Саққарада жойлашган фиръавн Джосернинг дафн мажмуасини, жумладан, машҳур Зинапояли пирамидани барпо этгани билан тарихда қолган. Кўплаб тарихчилар уни тошдан ишланган монументал қурилиш усулини жорий этган илк меъмор сифатида эътироф этади. Унинг меъморий даҳлиги шундаки, илгари ғишт, ёғоч ва қамишдан қурилган иншоотларнинг шаклини бардошли оҳақтош бўлаклари ёрдамида қуриладиган иншоотларга алмаштира олган. Бу эса, қадимги Миср меъморчилигида туб бурилиш ясади.

Имхотеп кўпинча пирамидалар ортидаги юксак заковат соҳиби сифатида гавдаланади. У нафақат меъмор, балки ҳайкалтарош, шоир,

Имхотеп – тарихдаги илк машҳур меъмор



руҳоний, давлат амалдори, мунажжим, сеҳргар ва табиб сифатида ҳам машҳур бўлган. Қадимги ёзувларнинг бирида ҳатто Имхотеп мамлакатни очликдан қутқаргани ҳақида ҳам ривоят бор. Унинг исми ҳам "оқсийшталлик келтирувчи", "тинчлик олиб келувчи" деган маъноларни билдиради.

Саққарадаги Зинапояли пирамида

Имхотеп кўплаб тиббий ва дидактик матнлар муаллифи сифатида ҳам тилга олинади. Бироқ унинг энг машҳур мероси – Саққарадаги Зинапояли пирамида бўлиб қолмоқда. Ушбу иншоот бугунги кунгача қадимги дунёнинг энг буюк меъморий мўъжизаларидан бири сифатида қаралади. Янги Қиролик даврига келиб, Имхотеп илоҳийлаштирилди ва "Птаҳнинг ўғли" деб эъзозланди. Рим императорлари Клавдий ва Тиберий ҳам Мисрдаги ибодатхоналарда Имхотепга бағишланган ёзувларни қолдиришган.

Колумбия университети тарих профессори Марк Ван Де Миероопнинг таъкидлашича, Имхотеп одатда Мисрда тошдан монументал қурилиш бошлаган биринчи меъмор сифатида қаралади. Қадимги ёзувлардан бирида унинг исми Джосер номи билан бирга тилга олинган, у "ҳайкалтарошларнинг бошлиғи" деб аталган. Кейинчалик қадимги мисрликлар уни донишманд сифатида улуғлашган.

Бугунги кунгача сақланиб қолган энг қадимги пирамида ҳам милоддан аввалги тахминан 2700 йилда қурилган Джосернинг Зинапояли пирамидасидир. Бу иншоот дунёдаги илк йирик тош бинодир. Пирамидалар пайдо бўлишидан аввал мисрликлар маркум ҳукмдорларни "мастаба" деб аталган ғишти қабр иншоотларида дафн этишган. Зинапояли пирамида ана шу мастаба шаклидан ривожланган янги архитектурага ўтиш палласи эди. Мастабалар кейинчалик устма-уст қўйилган бир неча қаватлар орқали зинапояли пирамида шаклига келтирилган. Қадимги ёзувларда бу қурилиш ишлари айнаган Имхотеп раҳбарлик қилгани алоҳида қайд этилган.

Зинапояли пирамида олти қаватдан иборат. Дастлаб, тўрт қават қурилган, кейинчалик яна икки қават қўшилган. Иншоотнинг баланглиги тахминан 60 метрни ташкил этади. Асоси эса шимолдан жанубга қарийб 180 метр, шарқдан ғарбга эса 90 метрга яқин. Пирамида мажмуаси девор билан ўралган. Деворнинг жанубий томонида асосий кириш жойи ҳамда бир неча сохта эшиклар мавжуд. Қадимги мисрликлар тасаввурга кўра, бу эшиклар орқали фиръавннинг руҳи ўлимдан кейинги ҳаётга ўтади.

Археологлар ҳисобича, пирамида ва унинг атрофидаги мажмуани қуриш учун юзлаб ишчи тахминан 30-35 йил меҳнат қилган. Пирамида остида узун ер ости туннеллари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий узунлиги қарийб 5 километрга етади. Бу лабиринтлар қабр ўғирларини чалғитиш учун мўлжалланган кўплаб сохта йўлақлар ва хоналардан иборат. Қирол Джосернинг дафн хонаси пирамида остидаги чуқур шахтада жойлашган. Унинг қаватлари гўёки осмонга олиб борувчи зинапояли эслатарди. Қадимги мисрликлар тасаввурга кўра,

ҳукмдорнинг руҳи айнан шу "зинапоя" орқали осмонга кўтарилиб, худолар билан абадий ҳаётга қўшилиши.

Дунёдаги биринчи йирик қурилиш лойиҳаси

Пирамидани қуришда ишлатилган тош бўлақлар Нил дарёсининг нариги томонида жойлашган Тура оҳақтош конларидан қазиб олинган. Бу ҳудуд пирамидалар қурилишида ишлатилган энг сифатли оҳақтош билан машҳур эди. Тошлар дарё орқали кемаларда ташилиб, кейин қурилиш майдонига етказилган. Қуришда ишлатилган бўлақлар бир-бирига ҳеч қандай ёпишқоқ аралашма билан бириктирилмаган. Улар ўзаро оғирлиги ва қиялик бурчати орқали барқарор ҳолда жойлаштирилган. Зинапояли пирамида ички тузилиши ҳақида эса археологлар ҳали ҳам тўлиқ аниқ тасаввурга эга эмас.

Саққара ҳудуди Қохирадан тахминан 30 километр жанубда жойлашган бўлиб, қадимги Мисрнинг энг қадимги некрополларидан бири ҳисобланади. Бу ер қадимги Мемфис пойтахтининг асосий дафн ҳудуди бўлган. Саққара платоси Нил водийсидан юқорида жойлашган қуруқ, қояли ҳудуд бўлиб, минглаб мастабалар ва кўплаб пирамидалар билан машҳур. Бу ҳудудда милоддан аввалги 3100-2181 йиллар ораллигида кўплаб иншоотлар барпо этилган. Улар ичидаги энг машҳури ҳам айнан ушбу пирамидадир.

Ҳатто баъзи тадқиқотчилар уни "дунёдаги биринчи йирик қурилиш лойиҳаси" деб аташи ҳам бежиз эмас. Пирамида асосан кичик оҳақтош бўлақларидан қурилган бўлиб, энг катта тош бўлақларининг оғирлиги тахминан 300 килограммга етади. Пирамида Саққара некрополида, қадимги Мемфис яқинида қурилган бўлиб, бугунги кунда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бу ёдгорлик кейинчалик Гиза Буюк пирамидаларининг қурилишига йўл очган архитектура тажрибаси сифатида ҳам баҳоланади. Джосер тахминан 19 йил ҳукмронлик қилган. Унинг ҳайкали бир вақтлар пирамида ичида жойлашган эди. Фиръавн дафн этилганидан сўнг, қабр кириш жойи 3,5 тонналик гранит бўлағи билан муҳрланган.

Тадқиқотчилар фиръавнлар нега айнан пирамидаларни дафн иншооти сифатида танлагани ҳақида турли фикрларни билдиришади. Баъзи олимлар бунга қабри ўғирлардан химоя қилиш сабаб бўлган, деб ҳисоблайди. Чунки фиръавнлар қимматбаҳо буюмлар билан бирга дафн этилган. Паст мастаба қабрларини ўғирлар осон қазиб чиқарган. Зинапояли пирамида эса, бу усулни анча қийинлаштирган. Бошқа тадқиқотчилар эса диний сабабларни асосий омил деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, пирамида шақли ҳукмдорнинг осмонга кўтарилишини рамзий ифодалаган.

Уведомление об аннулировании процедуры закупки

Процедура закупки SRDP-KR-W-10, SRDP-KR-W-11, SRDP-KR-W-12, SRDP-KR-W-13, SRDP-KR-W-14, SRDP-KR-W-15, SRDP-KR-W-16, SRDP-KR-W-17, SRDP-KR-W-18, SRDP-KR-W-19, SRDP-KR-W-20, SRDP-KR-W-21, SRDP-KR-W-22, SRDP-KR-W-23, SRDP-KR-W-24, SRDP-KR-W-25, SRDP-KR-W-26, SRDP-KR-W-27, SRDP-KR-W-28, SRDP-KR-W-29, SRDP-KR-W-31, SRDP-KR-W-32, SRDP-KR-W-33, SRDP-KR-W-34, SRDP-KR-W-35, SRDP-KR-W-36, SRDP-KR-W-37, SRDP-KR-W-38, SRDP-KR-W-39, SRDP-KR-W-40, SRDP-KR-W-41, SRDP-KR-W-42, SRDP-KR-W-43, SRDP-KR-W-44, SRDP-KR-W-45, SRDP-KR-W-46, SRDP-KR-W-47, SRDP-KR-W-48, SRDP-KR-W-49, SRDP-KR-W-50, SRDP-KR-W-51, SRDP-KR-W-52 и SRDP-KR-W-53.

Уважаемые участники, В рамках реализации проекта "Устойчивое развитие сельской местности" с участием Исламского банка развития и фонда опека по международному развитию (ISDB), сообщаем следующее

Проект "Устойчивое развитие сельской местности" реализуется в соответствии с Постановлением Президента №ПП-5246 от 18 сентября 2021 года. Процедуры закупок осуществлялись в соответствии с **Правилами закупки Исламского банка развития.**

По итогам проведенных тендерных процедур Оценочной группой была проведена оценка тендерных предложений, оформлен соответствующий протокол оценки и направлены уведомления о намерении присуждения контракта (**Notification of Intention to Award**) участникам тендерных торгов.

Вместе с тем до момента заключения контрактных соглашений Заказчиком были выявлены отдельные недостатки в проектно-сметной документации, разработанной проектной организацией по ряду объектов.

В связи с этим Заказчиком было направлено обращение 04-04/7-01/240 от 26 января 2026 года в Кабинет Министров Республики Узбекистан.

В соответствии с протоколом Кабинета Министров Республики Узбекистан №05-05-11475 от 3 марта 2026 года было принято решение о доработке проектно-сметной до-

кументации по соответствующим объектам, устранении выявленных недостатков со стороны проектной организации и проведении повторной государственной экспертизы и организации новых тендерных торгов через электронную платформу "Shaffof qurilish".

Отмечено, что указанное обстоятельство были выявлены после завершения этапа оценки, при этом процедура закупок по соответствующим пакетам не доведены до стадии фактической реализации работ, а корректировка проектных решений являются необходимой для обеспечения надлежащего качества и эффективности реализации проекта.

В соответствии с пунктом 40 Инструкции участникам торгов (ИТВ) "Заказчик вправе в любое время до присуждения контракта аннулировать процедуру закупки и отклонить все тендерные предложения без возникновения каких-либо обязательств перед участниками торгов, при условии возврата обеспечительных тендерных предложений".

Кроме того, в пункте 6 протокола Кабинета Министров Республики Узбекистан указано о целесообразности отмены ранее проведенных тендерных торгов по соответствующим объектам с последующим их пересмотром и повторным проведением закупочных процедур в электронном формате через национальную электронную платформу "Shaffof qurilish".

В связи с изложенным принято решения об аннулировании процедуры закупки по пакетам:

SRDP-KR-W-10, SRDP-KR-W-11, SRDP-KR-W-12, SRDP-KR-W-13, SRDP-KR-W-14, SRDP-KR-W-15, SRDP-KR-W-16, SRDP-KR-W-17, SRDP-KR-W-18, SRDP-KR-W-19, SRDP-KR-W-20, SRDP-KR-W-21, SRDP-KR-W-22, SRDP-KR-W-23, SRDP-KR-W-24, SRDP-KR-W-25, SRDP-KR-W-26, SRDP-KR-W-27, SRDP-KR-W-28, SRDP-KR-W-29, SRDP-KR-W-31, SRDP-KR-W-32, SRDP-KR-W-33, SRDP-KR-W-34, SRDP-KR-W-35, SRDP-KR-W-36, SRDP-KR-W-37, SRDP-KR-W-38, SRDP-KR-W-39, SRDP-KR-W-40, SRDP-KR-W-41, SRDP-KR-W-42, SRDP-KR-W-43, SRDP-KR-W-44, SRDP-KR-W-45, SRDP-KR-W-46, SRDP-KR-W-47, SRDP-KR-W-48, SRDP-KR-W-49, SRDP-KR-W-50, SRDP-KR-W-51, SRDP-KR-W-52 и SRDP-KR-W-53.

Baholash ishlarini o'tkazish huquqiga ega tashkilotlar diqqatiga!

AT Xalq banki ta'sischiligida tashkil qilingan "Perfect capital investment" MChJ Samarqand viloyati, Payariq tumani, Xo'ja Ismoil nomidagi MFY, Al-Buxoriy shoh ko'chasi 205-uy manzilida joylashgan 3 qavatli mehmonxona binosini baholash maqsadida yuqori baholash sertifikatiga ega tashkilotlarini tanlab olish bo'yicha

TANLOV E'LON QILADI!

Baholash ishlarini amalga oshirishda ishtirok etish istagida bo'lgan tashkilotlar takliflari qabul qilinishini ma'lum qilamiz.

Eng yuqori reytingga ega va samarali iqtisodiy takliflar kiritgan tashkilotlar tanlov g'olibi sifatida tanlanadi.

Takliflar 2026-yil 19-martga qadar Toshkent shahar, Chilonzor tumani, "Fidokor" MFY, 16-mavze, 10-uy manzilida qabul qilinadi.

Ma'lumot uchun telefon: 90-024-00-52. Elektron pochta: percainvest@xb.uz

Nazorat o'tkazish huquqiga ega tashkilotlar diqqatiga!

AT Xalq banki ta'sischiligida tashkil qilingan "Perfect capital investment" MChJ Samarqand viloyati, Payariq tumani, Xo'ja Ismoil nomidagi MFY, Al-Buxoriy shoh ko'chasi 205-uy manzilida joylashgan 3 qavatli mehmonxona binosini nazorat o'lchovi o'tkazish maqsadida qurilishda nazorat o'lchovini o'tkazish huquqiga ega tashkilotlarini tanlab olish bo'yicha

TANLOV E'LON QILADI!

Nazorat o'lchovi o'tkazish ishlarini amalga oshirishda ishtirok etish istagida bo'lgan tashkilotlar takliflari qabul qilinishini ma'lum qilamiz.

Eng yuqori reytingga ega va samarali iqtisodiy takliflar kiritgan tashkilotlar tanlov g'olibi sifatida tanlanadi.

Takliflar 2026-yil 19-martga qadar Toshkent shahar, Chilonzor tumani, "Fidokor" MFY, 16-mavze, 10-uy manzilida qabul qilinadi.

Ma'lumot uchun telefon: 90-024-00-52. Elektron pochta: percainvest@xb.uz

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 17-19 март саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик қўйдовчиси **Фасихиддин Далиев**, биринчи бўлим бош мутахассиси **Ҳабига Абдулжапарова**, "Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассиси **Анвар Бабаев**, "O'zshaharsozlik LIT" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси

3-устахонаси лойиҳа бош муҳандиси **Равшан Юлдашбеков**, 4-устахонаси архитекторлари **Вақил Галаутдинов**, **Шахло Набиева**,

Анджон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси слесарь-сантехниги **Алишер Ғуломов**, АРТ мутахассиси **Эргашон Набиев**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой

коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Ўткир Амириддинов**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Қирғули тумани филиали бош хисобчиси **Фурқат Қодиров**, Бухоро вилояти филиали изоляциячиси **Раим Баладжанов**, қорувчи **Эркин Қурбонов**, Қашқадарё вилояти

филиали чилангари **Раҳмон Саматов**, Навоий филиали иссиқлик тармоқларида хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Самад Асатов**, қурилиш назорати бўйича муҳандис **Икром Қурбонов**, электргазпайвандловчи **Шаҳзод Ҳакимов**, қозонхона чилангари **Муҳаммад Ҳамроев**ларни таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сўхат-саломатлик, узоқ умр, ошлавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!

Тахрир хайъати: Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алимов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Эмрulloдов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят: Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райхона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Наشرіят уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Наشرіят уйи МЧЖ муассислари: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик, "ЎзГАНШЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар: 71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Анджон вилояти: 93-410-15-18.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 341.

1262 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.

Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشرіят-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – 21.10. Топширилди – 22.00.

"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" DM va uning hududiy filiallari jamoalari

Yangi O'zbekiston zaminida ezgulik va shukronalik
nafasi hukm surayotgan bir pallada, muqaddas

Ramizxon hayiti

bilan aziz yurtdoshlarimizni
muborakbod etamiz!

Yurtimizda tinchlik va farovonlik,
xonadonlarimizda esa
doimo quvonch va baraka barqaror bo'lsin.

